



*Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!*

Zarafshon

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@gmail.uz



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодани
телефонингиз орқали сканер қилинг

www.zarnews.uz
<https://www.facebook.com/zarnews.uz>
[@zarnews_uz](https://t.me/zarnews_uz)
https://twitter.com/zarnews_uz

2020-yil 15-oktyabr, payshanba, 116 (23.396)-son

Кун ҳикмати

Самарқанд шаҳри
кунига энг яхши
совға ҳовли,
маҳалла ва
кўчамизни озода,
саранжом қилиб
қўйишдир

БИЗДА ҚОРАКЎЛДАГИДЕК МАКТАБ БЎЛАДИМИ?

Қоракўл Бухоро вилоятининг олис чўл тумани бўлиб, у ерда замонавий шарт-шароитга эга бўлмаса-да, машҳур мактаб бор. Унга 7-синфдан иқтидорли болалар саралаб олинади. Мактаб битирувчиларининг 95 фоиздан ортиғи олий таълим муассасаларига ўқишга кирипти. Буни яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимда алоҳида эътироф этди.

Мактабни машҳур қилган қишлоқнинг фидойи ўқитувчиси Тўхтамурод Жумаевдир. Байрам арафасида у “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди. Таълим маскани эришадиган ютуқлар инobatга олиниб, ўтган йили у Халқаро математика мактабига айлан-тирилди.

Халқаро мактабда хорижий мамлакатлар фуқаролари ҳам шартнома асосида таълим олишлари мумкин.

Шунингдек, ўқувчиларга янада чуқурроқ билим бериш мақсадида халқаро мактабга хорижий мамлакатлардан ҳам ўқитувчиларни ишга қабул қилишга рухсат этилди.

Президент ўз нутқида нега бошқа вилоятларда бундай таълим маскани йўқлигини қайд этди. Олти ой муддат ичида Хоразм, Самарқанд, Андижон ва Фарғона вилоятларида

ҳам мана шундай ихтисослашган мактаблар ташкил этишга топшириқ берди.

САМАРҚАНДДА МАТЕМАТИКАГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАХСУС МАКТАБ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

– Самарқанд шаҳридаги 1- ва 10-сон Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари 229 нафар боладан 145 нафарга қискарди, – дейди вилоят халқ таълими бошқармаси ахборот хизмати раҳбари Абдухошим Зиёдов. – Ота-онаси бор болалар ўз оиласи бағрига қайтди. Шу муносабат билан иккала меҳрибонлик уйи 1-сон Мехрибонлик уйига бирлаштирилди. Вилоят халқ таълими бошқармаси вилоят ҳокимига шаҳардаги 10-сон Мехрибонлик уйини математика фанига ихтисослашган мактаб-интер-



Таълим, таҳлил, тажриба

нат қилиш таклифи билан чиққанди. Вилоят ҳокими ушбу таклифни қўллаб-қувватлади. Икки ой муддатда Меҳрибонлик уйи биноси математикага ихтисослаштирилган 300 ўринли мактабга мослаштирилади. Мактабга иқтидорли, тажрибали ва билимли ўқитувчилар ишга қабул қилинади.

БУ ЙИЛ МАКТАБ БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА КИРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ОШДИ

Вилоят халқ таълими бошқармаси маълумотларига кўра, 2019-2020 ўқув йилида ви-

лоятимиздаги умумий ўрта таълим мактабларини 53583 нафар ўқувчи битирди. Уларнинг 2187 нафари касб-хунар техникумларига, 46528 нафари олий таълим муассасаларига ҳужжат топширди.

Бугунги кунда мактаблар кесимида битирувчиларнинг ОТМга ўқишга кирганлиги таҳлил қилинмоқда. 2020 йил 8 октябрь ҳолатида, битирувчиларнинг 5700 нафари олий таълим муассасалари талабаси бўлди. Уларнинг 192 нафари хорижий олий таълим муассасаларига ўқишга кирди.

2-саҳифа >>>

Қарор ва ижро

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик:

Жойлар “яшил”, “сарик” ва “қизил” ҳудудларга ажратилади

2020 йил 7 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Самарқанд вилояти иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартиралар тураржой фондиди 2020–2021 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш ҳақида вилоят ҳокими Э.Турдимов 2020 йил 10 октябрда қарор қабул қилди.

Энди вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси вилоятдаги халқ қабулхонаси билан биргаликда жойлардаги уй-жой коммунал хўжалиги инфратузилмаси ва муҳандислик-коммуникация объектларининг ҳолати ва халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатлардан келиб чиқиб, куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича жойларни “яшил”, “сарик” ва “қизил” ҳудудларга ажратади.

Шунингдек, муҳандислик-коммуникация объектлари ва технологик ускуналарни мавсумга тайёрлаш ҳамда ижтимоий соҳа объектлари, жумладан, мактабгача таълим, халқ таълими, олий таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, маданият ва спорт объектларини куз-қиш давридан бета-лафот ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни молилаштириш учун жорий йилда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан камида 23,6 миллиард сўм маблағ ажратади. Вилоят уй-жой коммунал

хизмат кўрсатиш бошқармаси ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда кўп квартиралар тураржой фондиди таъминлаш жамғармаси ташкил этилади.

Жойлардаги “темир дафтар”ларга киритилган моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар билан алоҳида ишлаш тизими яратилиб, ҳар бир сектор раҳбари томонидан сектор ва маҳаллалар кесимида куз-қиш бўйича “темир дафтар” шакллантирилади.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини амалга оширишда биринчи навбатда куз-қиш “темир дафтар”ига киритилган оилаларга кўмир, суюлтирилган газни ўз вақтида етказиб бериш, озиқ-овқат захираси ва болаларини иссиқ кийим-кечак билан таъминлаш эътиборга олинади.

Олис ва бориш қийин бўлган ҳамда тоғли ҳудудларда жойлашган ва сел келиши оқибатида йўллари талафот кўриши эҳтимоли мавжуд қишлоқ (овул)ларда кўмир ва суюлтирилган газ ҳамда камида 15-20 кунга етадиган асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари захира яратилади.

Каттақўрғон шаҳридаги кўп қаватли уйлар қишга тайёрми?

Кўп қаватли уйлар сони бўйича Каттақўрғон шаҳри вилоятимизда Самарқанд шаҳридан кейинга ўринда туради. Бу кўҳна кентда ҳозирда бундай уйлар сони 243 тага етган. Уларга 18 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан хизмат кўрсатилади.

– Шаҳримиздаги таъмирталаб 110 та кўп қаватли уй 2016-2019 йилларда Самарқанд вилоятини ободонлаштириш ва фаровонлигини ошириш жамғармасининг 15,1 миллиард сўм маблағи эвазига таъмирлан-

ди, – дейди Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Тоҳиржон Ишбеков. – Жумладан, уйларнинг том, тарнов, фасад қисми, кириш йўлаклари, электр қутилари таъмирланиб, кириш йўлакларида замонавий эшиклар ўрнатилди. 14 та болалар ва 4 та спорт майдончаси қуриб фойдаланишга топширилди.

2-саҳифа >>>

МАНФААТ ТАНТАНАСИ:

фуқаро бозордаги камчиликларни айтди,
масъуллар буни рад этди.

КИМ ҲАҚ?

Таҳририятимизга Каттақўрғон тумани Янгиҳаёт маҳалласида яшовчи Баҳодир Ризаевдан келган шикоят хатида Каттақўрғон шаҳридаги «Дехқон» масъулияти чекланган жамиятидаги тартибсизлик, ёз фаслида чанг, қишда эса лой бўлиб кетиши билдирилган.

Хатда келтирилишича, дон маҳсулотлари сотиладиган савдо растасида кийим-кечак савдоси бўлади, дехқонлар маҳсулотини ташқарида сотади, бозордаги тартибсизликдан машиналар ичкарида туради, нархлар эса ошириб юборилган. Оддий аҳоли эса бозор расталари бўш турса-да бозор ташқарисида маҳсулотини сотишга

мажбур бўлмоқда. Ушбу мурожаатни тегишли тартибда ўрганиш учун Каттақўрғон шаҳар ҳокимлигига юбордик. Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги вакили А.Саматов, шаҳар СЭО вакили К.Назаров, «Дехқон» МЧЖ раиси И.Илясовлар имзоси билан юборилган жавоб хатида қуйидагилар билдирилган:

Жорий йилнинг 25 сентябрь кун Каттақўрғон тумани Янгиҳаёт маҳалласи Ҳокимовсоқол қишлоғи 105-уйда яшовчи фуқаро Ризаев Баҳодирга шаҳар ҳокимлиги вакили А.Саматов кўнгориқ қилиб, унинг мурожаатини ўрганишда қатнашиш учун таклиф этганда у бозорга кела олмаслигини маълум қилди. Шундан сўнг мурожаатчи иштирокисиз хатда келтирилган ваҳлар ўрганилганда бозорда дуккакли (дон) маҳсулотлар сотиладиган савдо павильонида кийим-кечаклар сотилиш ҳолати аниқланмади. Мол гўшти 55-60 минг сўм, товук гўшти 16 500 сўм, картошка 3000-3500 сўм, пиёз 950-1500 сўмгача сотилаётганлиги аниқланди. Гўш маҳсулотларида давлат ветеринария ҳодимлари томонидан берилган ҳулосалар мавжуд. Нон ва нон маҳсулотлари бозордаги ҳожатхоналардан 30-40 метр узоқ масофага жойлаштирилди ва тадбиркорга санитария қоидаларига риоя қилган ҳолда фаолият олиб бориши уқтирилди.

микрофирма ва кичик корхона таъсис этган шахсларга учинчи шахс кафилиги, сугурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафилиги ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа таъминот турлари асосида 225 миллион сўмгача миқдорда микрокредитлар ажратилади.

Микрокредитлар 3 йил муддатгача 6 ойгача имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида ажратилади.

2022 йил 1 июлдан бошлаб “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар келажагимиз” ва бошқа оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида давлат мақсади ресурслари ҳисобидан кредитлар “Микрокредитбанк” АТБ томонидан тадбиркорлик йўналиши бўйича тегишли ўқув курсларини тамомлаган шахсларга ягона микрокредитлаш дастури асосида ажратилади.

2021 йил давомида “Микрокредитбанк” АТБ томонидан республиканинг барча туман ва шаҳарларида, шу жумладан, рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали микроолиявий хизматлар кўрсатиш имкониятини яратувчи банк инфратузилмалари тармоқлари ташкил этилади.

2021 йил 1 январдан бошлаб: тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда олинадиган давлат божи маблағларининг 20 фоизи Савдо-саноат палатасига йўналтирилади; давлат активларини сотишдан тушадиган маблағларнинг Савдо-саноат палатасига йўналтириладиган қисми 3 фоиздан 5 фоизгача (Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасига йўналтириладиган қисмини камайтириш ҳисобидан) оширилади. Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича ваколатли офислари очилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Ғайрат Абдиев ушбу саволга жавобан бир қатор масалаларни айтиб ўтди. Аввалроқ Ургут тумани халқ таълими бўлими мудирини бўлиб ишлаган суҳбатдошимиз қонунчиликка таклифлари ва парламент фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ҳам тўхталди.

Парламент депутаты

сайловчиларнинг қайси муаммоларини хал қилиб берди?

- Депутатлик мансаб ёки лавозим эмас, бу - масъулият. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партия фракциялари фаолият юритади. Мен Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси сифатида фаолият олиб бораётман. 20 йилга яқин фаолиятим давомида оддий ўқитувчиликдан вилоят даражасидаги раҳбарлик лавозимларида ишладим. Шу маънода халқимиз, хусусан, Самарқанд, ўзим туғилиб-ўсган ва сайланган ҳудуд – Ургут туманидаги одамларни қийнаб келаётган муаммолар, жойларда ечимини қутиб турган масалалар ва амалга оширилиши лозим бўлган ишларни яхши биламан. Буларнинг барчаси, яъни тўпланган тажриба депутатлик фаолиятимда қўл келмоқда.

- Жойлардаги вазиятни яхши билман, деяпсиз. Айтингчи, 9-10 ойлик депутатлик фаолиятингиз мобайнида сайловчиларингизнинг қандай аниқ муаммоларини ҳал қилиб беролдингиз?

- Нафақат сайловчиларим, балки бутун юртдошларимизнинг қандайдир муаммолари бўлса унинг ечими бўйича масъулларга депутатлик сўрови юбориш, қонунларга таклиф киритиш орқали амалий ёрдам беришга ҳаракат қилиб келяпман.

Коронавирус пандемиясининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга салбий таъсири юмшатиш мақсадида республика ишчи гуруҳи тузилди. Гуруҳ раҳбари сифатида Самарқанд вилоятининг барча туманларида масъуллар ва албатта, кенг жамоатчилик, хусусан, томорқачилар ўртасида суҳбат-мониторинг, тушунириш-тарғибот ишларини олиб бордик.

Бу вақтда Тойлоқ туманида 300 тоннадан ортиқ сабзи етиштирилгани, карантин чоралари сабабли уни бозорда сотиш муаммо бўлиб тургани аниқланди. Ушбу масала бўйича мутасаддиларга мурожаат қилиб, тайёр сабзини аҳолидан бир кунда бозор нархида сотиб олинишини ташкил қилдик.

Бундан ташқари, Ургут тумани Почвон, Қайнарбулоқ маҳаллалари аҳолиси бир неча йиллардан буён мактабни капитал тамирлаш ва қўшимча бинога эҳтиёж борлиги ҳақида мурожаат қилиб келарди. Бу борада тегишли идораларга таклиф берилиб, маҳаллалар ўқувчилари янги, замонавий бинода ўқишлари учун шароит яратилди.

Йўл, электр энергияси, суюлтирилган газ, ичимлик суви таъминоти, фермерлик, томорқа ерлари, тиббий хизмат, мактаб, мактабгача таълим муассасалари бўйича ҳам ижобий ечимини топан қўллаб мисолларни келтириш мумкин.



- Парламент қўйи палатаси депутаты сифатида қайси ташкилотлар фаолияти сизда салбий таассурот қолдирди. Нима учун?

- Жойларда одамлар билан учрашувларда қайсидир соҳада кўп муаммога дуч келсак шу соҳа вазирлигини эшитиш таклифини киритамиз. Шу асосда тизим раҳбари амалга оширилган ишлар ва келгуси режалар ҳақида Парламентга ҳисоб беради. Мисол учун, 12 октябрь куни қўмитамизда Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Элмира Боситхонованинг тизимда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом бола туғилишини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботини эшитдик.

Ҳозир мана бу тизимда иш яхши эмас, дейишим нотўғри бўлади. Лекин айтиш мумкинки, жамият ҳаётининг барча соҳаларида қилинадиган ишлар кўп. Шу боис, жойлардаги ўрганишлар, сайловчиларнинг мурожаатларидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вазирликларга тегишли таклифлар киритилмоқда. Яъни қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти фаолиятида доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

- Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты сифатида Сиз томонингиздан билдирилган қандай таклифлар қонунларда ёки лойиҳада ўз аксини топди?

- Фаолиятимиз профессионал тарзда қонун ишлаб чиқишга йўналтирилган. Яъни, ҳеч бир қонун лойиҳаси биз, парламент депутатлари муҳокама-сидан ўтмасдан қабул қилинмайди. Шу боис, ўтган давр мобайнида қонун лойиҳалари бўйича билдирган таклифлар эмас, айти пайтдаги ишларга тўхталсам. Хабарингиз бор, таълим ҳамда соғлиқни сақлаш тизимига оид қонунчилик такомиллаштирилмоқда. Шахсан ўзим парламентнинг тегишли қўмитасига таълимга оид бир неча таклифлар киритганман. Албатта, соғлиқни сақлаш борасида ҳам тегишли қўшимча ва ўзгартириш бўйича фикрларим бор.

- Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Ё.МАРҚАЕВ суҳбатлашди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

- Бу йил вилоятда мактаб битирувчиларининг олий таълим муассасасига ўқишга кириш кўрсаткичи 3 фоизга ошди, - дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Қўлдош Саидов. – Бунинг учун, аввало, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтирдик, ота-оналар билан янада кўпроқ ишладик. Уларга фарзандининг келажаги учун ўқишини давом эттириши кераклигини тушунтирдик. Шунингдек, халқ таълими бўлиmlари ва мактабларда битирувчиларнинг онлайн ҳужжат топшириши учун шароит яратдик. Бу ҳам ўқувчиларга ёрдам бўлди. Бу йил Самарқанд шаҳри, Оқдарё, Пахтачи туманларида битирувчилардан бирортаси ўқишга кирмаган мактаблар қайд этилмади.

Бундан ташқари, сентябрь ойдан 7-синфдан бошлаб ўқувчиларга вариатив (ўзгарувчан) ўқув режа асосида дарслар ташкил этиляпти, яъни айрим фанлар чуқурлаштириб ўтиляпти. Ўтган йили вариатив ўқув режа асосида дарслар синов тариқасида жорий этилганди. Бундай ўқитиш тизими ўқувчиларнинг олий ўқув юртига ўқишга киришига кўмаклашди ҳамда ота-оналарнинг репетиторга эҳтиёжини камайтиради.

Самарқанд шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг 37 нафар битирувчисидан 30 нафари

БИЗДА ҚОРАКЎЛДАГИДЕК МАКТАБ БЎЛАДИМИ?



олий ўқув юрти талабаси бўлди. Шаҳардаги 37-умумий ўрта таълим мактабининг 169 нафар битирувчисидан 122 нафари, Оқдарё туманидаги 52-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатининг 45 нафар битирувчисидан 31 нафари ҳам тест синовларидан муваффақиятли ўтди.

Шунингдек, Нарпай туманидаги 52-умумий ўрта таълим мактабининг 115 нафар ўқувчисидан 61 нафари, Иштихон туманидаги 1-ИДУМнинг 43 нафар ўқувчисидан 22 нафари, Қўшработ туманидаги 75-умумий ўрта таълим мактабининг 6 нафар ўқувчисидан 3 нафари, Нарпай тумани 16-умумий ўрта таълим мактаби-

нинг 55 нафар ўқувчисидан 22 нафари, Паст Дарғом туманидаги 1-ИДУМнинг 23 нафар ўқувчисидан 11 нафари, Паст Дарғом тумани 28-ИДУМнинг 53 нафар ўқувчисидан 23 нафари, Каттакўрғон тумани 88-умумий ўрта таълим мактабининг 16 нафар битирувчисидан 7 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кирди.

2018-2019 ўқув йилида вилоятимиздаги 1236 мактабни 30983 нафар ўқувчи битириб, уларнинг 2556 нафари, яъни 8,2 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга кирган эди. Бу йил эса ўқишга ҳужжат топширган 46528 нафар битирувчидан 5736 нафари ўқишга кирди.

Иззат ЖЎРАЕВ, репетитор:

- Мен математика фанидан ўқувчиларга репетиторлик қиламан. Бу йил 27 нафар ўқувчимдан 19 нафари олий ўқув юртига ўқишга кирди. Бир кунда абитуриентларга 4-5 соат дарс ўтаман. Битта синф дарслигини 1 ҳафтада ўтиб тугатаман. Ҳар ҳафтада ўтилган мавзулар

бўйича тест оламан. Тест саволлари ҳам ўтилган мавзуни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Юқори синфлар учун мактабларда асосий фанлар ўқитилиши тарафдориман. Шундай йўл тutilса, ўқувчиларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш кўрсаткичи ошади.

Озода НАСИМОВА, уй бекаси:

- Самарқандда математикага ихтисослашган мактаб ташкил этилишини эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Фарзандларим бошланғич синфда ўқийди, математика фанидан мисол ва масалаларни ўзлари мустақил ечади. Уларнинг билимини доим назорат қилиб бораман. Аммо яна бир хавотирим бор. Ишқилиб, ихтисослашган мактабга қабул жараёни таниш-билишчилик бўлиб кетмасин-да. Акс ҳолда биз каби оддий одамларнинг фарзандлари бундай мактабларда ўқий олмайди.

Ҳамма ота-она ҳам фарзандининг яхши билим олишини истайди. Баъзида бошланғич синфда аъло баҳоларга ўқиган болалар юқори синфга ўтгач, негандир билими пасайиб кетади. Иқтидорли болаларга тажрибали ўқитувчилар таълим-тарбия берса, менимча улар биз кутган натижага эришади.

ҚОРАКЎЛДАГИ МАКТАБНИНГ СИРИ НИМАДА?

Ўқитувчилари билимлими ёки ўқувчилари? Мактабнинг асосий ютуғи ўқувчиларни қабул қилишда адолатли тизим жорий этилганида экан. Мактаб директори Темир Рўзиев журналист Зухра Абдуҳалимовага берган интервьюсида буни тасдиқлади. У ҳеч қандай таниш-билишчиликка йўл қўймасдан, фақат билимли ўқувчилар 3 босқичда синовдан ўтказилиб, мактабга қабул қилинишини айтди. Шунингдек, ишга кираётган ўқитувчилар ҳам саралаб олинади.

Таълим тизимида адолат, шаффофлик бўлса, сифат ўз-ўзидан ошади. Таълим сифатини зўрма-зўраклик билан қўтариб бўлмайди.

Самарқандда очилиши режалаштирилаётган математикага ихтисослашган мактабнинг келажакда раванқ топиши учун Қоракўлдаги сингари ўқувчилар адолатли қабул қилиниши керак. Бунинг учун адолатли раҳбар, билимли ўқитувчилар ва иқтидорли ўқувчилар жалб этилиши лозим. Шундагина мақсадга эришилади. Хўш, ҳақиқатан ҳам Самарқандда ўқувчиларининг 95 фоиздан ортиғи олий таълим муассасасига ўқишга кира оладиган мактаб яратиладими? Буни вақт кўрсатади.

P/S: Жорий йилнинг 13 октябрь куни вилоят ҳокими ўринбосари Хуршид Очилов бошчилигида масъул ташкилот раҳбарлари, мактаб директорлари Қоракўл халқаро математика мактаби тажрибасини ўрганиш мақсадида Бухоро вилоятида бўлди.



Хуршида ЭРНАЗАРОВА, «Зарафшон» муҳбири.

Каттакўрғон шаҳридаги кўп қаватли уйлар қишга тайёرمи?

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 23 сентябрда қабул қилинган “2020-2022 йилларда Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан таъмирга муҳтож 36 та кўп қаватли уй тўлиқ таъмирланади. Айти пайтда шаҳар ичкари-сидаги ичимлик ва оқова сув тармоғи янги-ланмоқда. Ингичка кўрғонида ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида 2 та сув насоси ўрнатилди. Асосий ва ички йўллар-

да жорий ва мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Амир Темур маҳалласида жойлашган кўп қаватли уйларга “Гулчеҳра Тешаева” хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатади. Деярли барча уйларнинг фасад қисми таъмирталаб. Ачинарлиси, 2-уйнинг ертўла қисмида ўрнатилган электр қутилари яроқсиз ҳолга келиб қолган, қувурлар эскирган, аҳоли хонадонларидан ертўлага сув оқяпти.

- Ширкатимиз томонидан 7 та кўп қаватли уйнинг 312 хонадонига хизмат кўрсатилади, - дейди ширкат раиси Шарофат Зоки-

рова. – 2018 йилда 300 миллион сўм кредит эвазига 3 та уйнинг том қисми мукаммал таъмирланди, аммо фасад қисмига маблағ етмади. Пандемия шароитида аҳолидан пул йиғиш муаммо бўлди. Эндиликда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан уйлармиз тўлиқ таъмирланадиган бўлди.

Дўстлик маҳалласидаги икки қаватли 20 та уйнинг айримлари 2018 йилда таъмирланган бўлишига қарамай деворлари нураган.

– Шаҳримиздаги 243 та кўп қаватли уйнинг ҳозирча 20 таси иситилади, - дейди Каттакўрғон шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Акрам Умаров. –



Шундан 11 та эски кўп қаватли уйга тажриба сифатида икки контурли қозонлар ўрнатдик. Қиш мавсумида уйларни иситишда асосан электр усқунларидан фойдаланилиши туфайли шаҳардаги 17 та трансформатор мукаммал таъмирланиб, 9 та янги трансформатор ўрнатилди. 35 километр масофадаги ҳаво тармоғи таъмирланди, 210 дона эски симёғочлар

бетон таянч устунларга алмаштирилди.

Каттакўрғон шаҳри янги қиёфага кираётгани яхши, аммо кўп қаватли уйларга иссиқ сув ва иссиқлик қачон берилиши масаласи барибир очиқ қолмоқда.

Ҳусан ЭЛТОЕВ, Фазлиддин РЎЗИБОВЕВ, «Зарафшон» муҳбирлари.

ЖАМИЯТ

Пандемия шароитида тадбиркорлар турли қийинчиликларга дуч келди, айримларининг фаолияти тўхтаб қолди. Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятимизда 37019 та корхона ва ташкилот (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) рўйхатга олинган бўлса, шундан 94 фоизи фаолият кўрсатиб, 6 фоизи ишламаётган корхоналар таснифига ўтказилган. Уларнинг муаммоларини ҳал қилиш йўли билан фаолиятини тиклаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Ноқонуний текшириш ўтказган солиқ инспектори жарима тўлади

Президентимизнинг бу борадаги фармонлари ва республика махсус комиссиясининг қарори асосида тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Вақтинча фаолияти тўхтатилган корхоналарни қайта ишга тушириш учун барча шарт-шароитларни яратишга кўмаклашилди. Бу борада брифинглар ташкил этилиб, тарғибот, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Тадбиркорларнинг барча муаммолари вилоят ҳокими раҳбарлигида ўз вақтида ечилиши йўлга қўйилган.

Савдо-саноат палатаси ишбилармонлик ҳамда инвестиция муҳитини яхшилаш, тадбиркорлиқни ривожлантиришга тўқсинлик қилаётган ёки улар ривожланишини чеклаётган

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз кучини йўқотганлик тўғрисида таклифлар, қадлат божисиз судга даъво аризаси киритиш, мансабдор шахсларнинг қарор ва уларнинг ҳужжатларига шикоят қилиш ва бошқа қатор ҳуқуқларга эга.

2019 йил 1 апрелдан текширувлар ўтказилиши устидан назорат Президент ҳузуридаги тадбиркорлик субъеклари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан амалга оширилмоқда. Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олинмаган текширувлар ноқонуний ҳисобланиб, бундай текширувларни амалга

оширган органлар ва мансабдор шахсларни маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш назарда тутилган.

Жорий йил 8 ойда тадбиркорлик субъекларида таҳлил ва текшириш ўтказган мансабдор шахслардан 18 нафари суд қарори билан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Хусусан, Тойлоқ туман маъмурий судининг 2020 йил 12 июлдаги қарори билан Ургут туман давлат солиқ инспекцияси солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бош инспектори А.Хушвақтов Ургут тумани “Мирзабоғлон савдо сервис” оилавий корхонасида текшириш ўтказганлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баробари миқдорида жарима ундирилган. Ўтказилаётган тарғибот тадбирларига қарамасдан афсуски, бундай қоидабузарликлар ҳамон учраб турибди.

Тадбиркорларимиз ноқонуний текширишлар ва ҳуқуқбузарликларга дуч келсалар Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасининг 1194 ёки (78)210-11-01 рақамли ишонч телефонига қўнғироқ қилиб, ўзларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишлари мумкин.

Эгамберди РЎЗИЕВ, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.



Нарпай туманининг Жалойир қишлоғида, “Agro gold spring” фермер хўжалигида хориждан келтирилган 400 бошдан зиёд зотдор қорамол боқилмоқда. 150 бош соғин сигирдан кунига 4,5 тоннагача сўт соғиб олинмоқда.

Хўжаликка ёш фермер Фаррух Хушиев раҳбарлик қилади.

- Фермер хўжалигимизни 2013 йилда 5 гектар ерда 5 нафар ишчи билан бошлаган эдик, - дейди Ф.Хушиев. - Ўша пайтда 10 бош қорамолимиз бор эди. Бугунги кунда хўжалигимиз ҳисобида 400 гектар ер майдони мавжуд бўлиб, бу йил 50 гектарида пахта, 150 гектарида ғалла етиштирдик. Қолгани чорва учун ажратилган ер майдони. Шунингдек, ғалладан бўшаган ердан унумли фойдаланиш мақсадида озуқабоп маккажўхори етиштирялмиз. 2018 йилда Нидерландиядан 165 бош зотдор қорамол олиб келдик. Уларни кўпайтириш билан ҳам шуғулланамиз. Айни пайтда 100 га яқин бузоқларимиз бор.

2021 йилда хўжалик қошида сутни қайта ишлаш корхонаси ташкил этиш режалаштирилган.

Бахтиёр МУСТАНОВ.

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбop / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56

Салимжон ХАЙРИЕВ

Пахтачи тумани тиббиёт бirlашмасига қарашли юқумли касалликлар шифохонасида 35 йил самарали меҳнат қилган Салимжон Хайриев 2020 йилнинг 2 октябрида 73 ёшида бу дунёни тарк этди.

С.Хайриев 1971 йилда Самарқанд давлат тиббиёт институти даволаш факультетини битириб йўлланма билан Қашқадарё вилоятига ишга жўнатилади. Аввал Қарши шаҳридаги вилоят, сўнгра Таллимаржон шаҳарчасидаги касалхоналарда ишлади.

1976 йилда Самарқанд вилояти Пахтачи туманига қайтиб, юқумли касалликлар шифохонасида ишлаб бошлади ва устозлари Ҳ.Қўчимов ва Р.Усмоновлардан соҳа сирларини ўрганди. Шу касалхонада нафақага чиққунга қадар 25 йилга яқин бўлим мудирини лавозимиде ишлади. Касаллиги туфайли уйда қолишига қарамасдан, умрининг охириги кунигача шифокорлик касбини давом эттирди. Маслаҳат сўраб, шифо излаб келган ҳар бир инсонга турмуш ўртоғи, олий тоифали врач Г.Мирова билан тўғри ташхис қўйиб, даволаниш йўлларини айтиб, уларни оёққа турғазди. Уларнинг маслаҳати билан соғлом ҳа-



ётга қайтган пахтачиликларнинг сони мингдан ортиқ.

С.Хайриев меҳнатсевар инсон бўлиб, оилавий тадбиркорлиқни ўтган асрининг 70-йилларидан бошлаган эди. Ўзининг 20 сотихли ҳовлисида мевали дарахтларнинг 10 дан ортиқ турларини ўстириб, кичик боғ яратганди. Шунингдек, чорва боқиб, рўзғори ободлигини таъминларди.

С.Хайриев 5 нафар фарзандини ҳалол нон едириб ўстирди, олий маълумотли қилди.

С.Хайриев оғайнилари, қариндошлари ва дўстларига меҳрибон, садоқатли эди. Доимо дастурхони очик, тоғанини ҳалқ билан баҳам кўрадиган инсон эди. Бизлар бугун у кишининг ҳақларига дуо қилиб, Аллоҳдан жойлари жаннатдан бўлишини сўраб қоламиз.

БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ.

«SAMARQAND MULK MARKAZI»

масъулияти чекланган жамияти бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади

Савдога Самарқанд вилоят ҳокимлигининг 07.10.2020 йилдаги 15-15/936-сонли буюртманомасига асосан Самарқанд шахри Кўксарой майдони, 2-уйда сақланаётган «**ЛАСЕТТИ**» русумли 2013 йил ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 212 САА, техник носоз бўлган автомашина **69 388 000 сўм** бошланғич баҳода тақроран қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2020 йил **30 октябрь** куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Ушбу автомашина 2020 йил 30 октябрь куни сотилмаган тақдирда, унинг тақрорий аукцион савдолари **6, 13, 20, 27 ноябрь** кунлари соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 18:00 да тўхтатилади. Савдо қолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар автомашина бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини «Samarqand mulk markazi» МЧЖнинг АТИБ “Ипотека банк” Кўксарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: Х/р: 20208000804942465001, МФО: 00262, СТИР: 302129857.

Савдо ўтказиладиган манзил: Самарқанд шахри Маҳмуд Кошғарий кўчаси, 58-уй, 2-қават. Телефон: 66-233-80-13.

Хизматлар лицензияланган.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шахар давлат хизматлари марказидан 2018 йил 24 декабрда 658451 реестр рақами билан рўйхатга олинган «JASMINA HOSTEL» оилавий корхонаси (қисқартирилган номи: «JASMINA HOSTEL» ОК) корхона таъсисчиларининг 2020 йил 14 октябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирила-диган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шахри Бўстонсарой кўчаси, 48-«Б» уй.

Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 305918506.

Самарқанд шахридаги «ELAMIR» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 304913316) ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини «ELAMIR» оилавий корхонасига ўзгартиради. «ELAMIR» оилавий корхонаси «ELAMIR» масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Шу муносабат билан унга билдирила-диган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шахри Шохрух кўчаси, 62-уй.

Самарқанд шахридаги «MUXAMMADJON OISHA OMAD BARAKA» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 307592074) ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини «MUXAMMADJON OISHA OMAD BARAKA» оилавий корхонасига ўзгартиради. «MUXAMMADJON OISHA OMAD BARAKA» оилавий корхонаси «MUXAMMADJON OISHA OMAD BARAKA» масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Шу муносабат билан унга билдирила-диган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шахри Амир Те-мур кўчаси, 122-уй.

Оқдарё туман ягона дарча маркази-дан 2017 йил 18 октябрда 548792 реестр рақами билан рўйхатга олинган “MOTRID SABZAVOTLARI” оилавий корхонаси (қисқартирилган номи: “MOTRID SABZAVOTLARI OK) корхона ягона таъсисчиларининг 2020 йил 13 октябрдаги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирила-диган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Оқдарё тумани Мотрид маҳалласи.

Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 305101828.

Самарқанд шахар давлат хизматлари марказидан 2020 йил 29 июлда 876450 реестр рақами билан рўйхатга олинган «JASUR MALIKAXON» оилавий корхонаси (қисқартирилган номи: «JASUR MALIKAXON» ОК) корхона таъсисчиларининг 2020 йил 14 октябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирила-диган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шахри Гаспарали кўчаси, 21-«А» уй.

Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 307603802.

Самарқанд шахар «Ягона дарча» марказидан 2016 йил 14 сентябрда 24206 реестр рақами билан рўйхатга олинган Наимов

Фирдавс Салимович якка тартибдаги тадбиркори (қисқартирилган номи: Наимов Ф.С. ЯТТ) тадбиркорнинг 2020 йил 14 октябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда ўз иш фаолиятини тугатмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирила-диган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Тадбиркорнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шахри Али Мансур кўчаси, 18-уй.

Тадбиркорнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 477536167.

Самарқанд шахар давлат хизматлари марказидан 2020 йил 6 январда 112304 реестр рақами билан рўйхатга олинган Гафуров Ақобир Улмасович якка тартибдаги тадбиркори (қисқартирилган номи: Гафуров А.У. ЯТТ) тадбиркорнинг 2020 йил 14 октябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда ўз иш фаолиятини тугатмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирила-диган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Тадбиркорнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шахри Али Қўшчи кўчаси, 2-«Д» уй.

Тадбиркорнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 430429879.

Самарқанд шахар давлат хизматлари марказидан 2020 йил 30 июнда 865912 реестр рақами билан рўйхатга олинган «BOBURSHOX SAVDO XIZMATLARI» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «BOBURSHOX SAVDO XIZMATLARI» МЧЖ) жамият таъсисчиларининг 2020 йил 14 октябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирила-диган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятининг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шахри Рудакий кўчаси, 84-уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 307524584.

Булуңғур туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Салимов Отабек Мамаюсупович нотариал идорасида марҳум Назаров Абдушуккур Сайдазовичга (2018 йил 2 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Ирода Рустамовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Булуңғур шахри Мустақил-лик майдони.

Самарқанд шахрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Ирода Рустамовна нотариал идорасида марҳум Норбаева Мархабатга (2005 йил 1 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Ирода Рустамовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шахри Богдоқ кўчаси, 1-уй, 3-хона.

Пайарик туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Сулаймонов Илхом Исаковичга (2020 йил 7 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайарик тумани Челақ шаҳарчаси Истиқлол кўчаси, 73-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд молия ва иқтисодиёт коллежидан 2014 йилда Жабборов Шохрух Қобил-ович номига берилган рўйхат рақами 209, К № 3201436 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Ургут туман филиалидан 2018 йилда Султонов Хайитбойга қарашли Ургут шахри Камардон маҳалласи, Огаҳий 1-берк кўчаси, 1-уй-жой учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шахридаги Хайдарова Мукад-дас Камбаралиевна якка тартибдаги тадбир-корга тегишли, Самарқанд шахар давлат солиқ инспекциясидан рўйхатга олинган «МЕРКУРИЙ-115Ф» русумли назорат касса машинасининг барча ҳужжатлари йўқолган-лиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шахридаги Рашидов Навруз Бахтиёрович якка тартибдаги тадбиркорга тегишли, Самарқанд шахар давлат солиқ инспекциясидан рўйхатга олинган «МЕРКУРИЙ-115Ф» русумли назорат касса машинасининг барча ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайарик туманидаги 48-ўрта мактабдан 1999 йилда Сафарова Сохиба Норбоевна номига берилган О'Р-З № 191323 рақам-ли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайарик туманидаги 48-ўрта мактабдан 1999 йилда Аминова Дилноза Мусурмановна номига берилган О'Р-З № 191318 рақам-ли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд таянч тиббиёт коллежидан 2017 йилда Абилов Ғуломжон Ахмадович номига берилган рўйхат рақами 1139, К № 4673723 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

“ELCAB” масъулияти чекланган жамияти Самарқанд филиалига тегишли, Самарқанд шахар давлат солиқ инспекциясидан 2020 йилда рўйхатга олинган «SIMURG 001» ру-сумли назорат касса машинасининг барча ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Ургут туман филиалидан 2020 йил 3 мартда Хаши-мова Канатхон Рахмановнага қарашли Ургут шахри Наврўз маҳалласи, Почвон кўчаси, 28-уй, 4-хонадон учун берилган 1718236/ R-A 563146 рақамли кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қи-линади.

Булуңғур туманидаги “KARIMOV BEKMUROD YERI” фермер хўжалигининг (СТИР: 304237129) думалоқ муҳри ва бур-ча тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд иқтисодиёт коллежидан 2020 йилда Эркинов Шахбоз Сухробович номига берилган рўйхат рақами 7932, К № 5882985 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолган-лиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шахридаги 51-ихтисослашти-рилган умумий ўрта таълим мактабидан 2017 йилда Эркинов Шахбоз Сухробович номига берилган U № 7938032 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолган-лиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Камолова Парвина Мусиновна номига берилган U № 1896461 рақамли умумий ўрта таълим тўғри-сидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут тиббиёт коллежидан 2014 йилда Хайруллаев Шерзод Мамадулло ўғли номига берилган рўйхат рақами 058, К № 4693209 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқол-ганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шахридаги “SHAXINA SHIRIN TAOMLARI” масъулияти чекланган жамияти-га (СТИР: 304109849) тегишли, Самарқанд шахар давлат солиқ инспекциясидан рўйхат-га олинган «МЕРКУРИЙ-115Ф» русумли на-зорат касса машинасининг паспорти йўқол-ганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университети жа-моаси истиқлол даври адабиёти ва ада-биёт назарияси кафедраси профессори, филология фанлари доктори Азимиддин Носировга онаси

Гулчехра НОСИРОВАнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қув-ватлаш бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи Асқар Умаровга онаси

Шаодат ая УМАРОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

Самарқанд давлат университети ака-демик лицейи жамоаси лицей директори Азамат Умаровга акиси

Сиддиқ УМАРОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ПОРТЛАТИЛГАН МАҚБАРА

ёки Нуриддин Басир ёдгорлиги ҳақида

Амир Темур тариқат пирлари ва буюк шахсларга ғоят ҳурмат-эътибор билан қараган, уларнинг шарафига мақбара-ю масжидлар бино эттирган. Яссиди Хожа Аҳмад Яссавий, Самарқандда Мир Саййид Барака, Бурҳониддин Соғаржий хотирасига тикланган меъморий ёдгорликлар шулар жумласидандир.

Соҳибқирон эътиқод қўйган ва муборак хотирасини ёд этиб мақбара қурдирган зотлардан яна бири шайх Нуриддин Басир ҳазратлари эди. У кишига атаб қурдирилган меъморий обида Соҳибқироннинг Арк ичида Регистон тарафга қараган дарвозаси ва девори ёнида қурилган. Аммо у бугунги кунга қадар сақланиб қолмаган.

Асли нуқтентлик бўлган Нуриддин Басир Тошкент шаҳрига яқин Қуйи Орифон мавзесида истикомат қилган машҳур шайх Зайниддин Сухровардийдан (XIII асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтган) тарбия олади. Нуриддин Басир шайхлик мақомига етгач, пирининг таклифи билан Самарқандга кўчиб келиб, Наводон бўлоғи ёқасида жойлашган Масжиди Кабуд (Кўк масжид)да ўрнашади. У киши тариқатда "жаҳрия", яъни товуш чиқариб зикр тутиш йўлини тутган. Ёшликдан онадан қўзи ожиз туғилиб, "Басир"лақабини олган. У мурушиди шайх Зайниддин тарбияси остида авлиё даражасига кўтарилиб, юксак мақомга етади. У кишидан сизнинг замонангизда қутб (авлиё муаллифлар) қимдир?" деб сўраганларида, у зот: "Биродарим Абдулло ўн учинчи қутбдир, мен эса ўн тўртинчиман", дея жавоб берган ва шу боис халқ орасида "Қутби Чордахўм" деб танилган.

Сухровардия таълимотининг давомчиси Нуриддин Басир 1342 йилда вафот этади. Шайхни васиятига кўра, Наводон бўлоғи ёнига дафн этадилар.

Соҳибқирон нима сабаб ила шайх Нуриддин Басирга атаб мақбара бунёд эттирди? Биринчидан, Амир Темур ислом ва тасаввуф ақо-бирларига катта эътиқод ва ихлос билан қараган. Иккинчидан, Нуриддин Басир ҳам даврининг буюк алломаси эдики, у зотнинг қарома-тини Амир Темур кўп бор эшитган. Чунончи, шайх Нуриддин Басир Самарқанд фуқароси ва подшоҳларини доимо дину маърифатга ва диёнатга даъват этган. Бу хусусда Абул Ҳаким Самарқандийнинг (XIX аср охири XX аср бошида яшаб ўтган) "Қандия" асарида талайгина нақллар келтирилган. Ушбу асарда ва Абу Тохирхожанинг "Самария" асарида ёзилишича, Амир Темур шайхзода Абу Саййид бин ҳазрати шайх Бурҳониддин Соғоржийдан ишларининг олдинга кетишини тилаб руҳоний ёрдам сўраганида у киши шайх Нуриддин Басир қабри-ни зиёрат қилишни буюрган экан. Шайхзода Абу Саййид маслаҳатига кўра ҳазрат Амир Темур Нуриддин Басир мазорини зиёрат қилган ва ул зотнинг муборак ҳоқини Самарқанд арки худудига киришиб, қабри устига гўзал ва маҳобатли мақбара солидирган, гумбази устига эса олтин қубба ўрнатган экан. Маълумки, Самарқанд арки ва арк деворларининг қурилиши XIV асрнинг 70-йилларида тўғри келади. Шунга асосланиб, Галина Пугаченкова Нуриддин Басир мақбараси 1371-1372 йиллар

мобайнида қурилган, деб хулоса чиқаради.

Мақбара биноси ташқи жиҳатдан Амир Темур бунёд эттирган бошқа обидаларга ўхшайди. Ушбу ёдгорлик 1881 йилга қадар сақланган. Самарқандни 1868 йилда Чор Россияси босиб олганидан сўнг, улар Амир Темурнинг Арк қалъасидан истеҳком ўрнида фойдаланган ва бу ерда мудофаа манфаатларига мослаб талай қайта



қуришларни амалга оширган. Чамаси, мақбара ўрнашган жой ана шундай сафарбарлик ишларини бажаришда рус қорчалонларига халақит берган. Галина Пугаченкованинг таъкидлашича, ўшанда шайхнинг қабри маҳаллий руҳонийлар билан келишилган ҳолда Афросиёбга кўчирилади. Мақбара эса портлатилиб, гиштлири Арк қалъа деворини мустаҳкамлаш ва бошқа сафарбарлик ишлари учун фойдаланилади. Мақбарани дастлаб уч пуд (порох) билан портлата олмайдилар, у шунчалик мустаҳкам қурилган эканки, уни батамом яқсон қилиш учун ўн пудлик пороҳ зарур бўлган.

Хўш, мақбаранинг меъморий тузилиши қандай бўлган? Портлатишдан илгари, 1878 йилда унинг тарҳи ва баландлиги ўлчаниб, чизма қилинади. А. Кун "Туркистон альбоми"га киритган мақбаранинг сурати ва чизмани бинонинг тарҳи ва бичимини профессор Н.Веселовский 1905 йилда нашр эттиради. Ана шу чизма ва суратга асосланиб, мақбаранинг меъморий тузилиши ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Бундан ташқари, мақбаранинг ташқи кўринишини рус рассоми В. Верещагин ҳам Самарқандда бўлган кезлари аслига қараб чизган. У чизган иккита суратнинг бирида мақбара гумбази, гумбазоси гардиши ва безаклари тасвирланган. Буларнинг барчаси бир-бирини тўлдирди.

Айтиш мумкинки, мақбарани Соҳибқирон Амир Темур меъморий жиҳатдан ўта салобатли ва маҳобатли қилиб қурдирган. Бино анча сарбанд бўлиб, гумбазининг тепасигача 20 метрни ташкил этган. Мақбара узокдан ҳам кўзга ташланиб, шаҳар манзарасига ўзига хос ҳусн қўшиб турган. Мақбаранинг сиртки мо-вий гумбази остида безакдор ички гумбази ҳам бўлган. Шайх Нуриддиннинг онаси дафн этилган мақбара ва бошқа хоналар кейинчалик қўшилган. Нуриддин Басир мақбараси Амир Темур қурдирган мақбаралар тариҳида алоҳида ўрин тутати. Негаки, у Темур даврида Самарқандда бунёд

этилган илк мақбаралардан биридир. Шохӣ Зиндада 1365-1386 йилларда қурдирилган Ширинбека оқа мақбараси ҳам гумбази ва гардишининг тузилиши жиҳатидан Нуриддин Басир ёдгорлигига ўхшаб кетади. Бироқ, шайх мақбараси бичими жиҳатидан Ширинбека оқа мажмуидан анча йирик, гардишидаги безаклари эса соддароқдир. Умуман, Нуриддин Басир мақбараси ўша даврда қурилган Шохӣ Зинда мажмуи ёдгорликлари (Шодимулк, Амирзода, Ширинбека оқа ва бошқалар) билан таққослаб қаралса, шайх мақбарасининг меъморий қурилиши ўзига хос экани аён бўлади.

Қутби чордахўм композицион

ечими билан шаҳардаги меъморий ансамбллари шакллантиришда муҳим ўрин тутган. Чунки Амир Темур даврида Самарқандда бунёд этилган учта йирик мақбара - Қутби чордахўм, Рухобод ва Гўри Амир композицион жиҳатдан тўғри бир чизик бўйлаб жойлашган бўлиб, улардан Соҳибқироннинг пирлари - Нуриддин Басир, Бурҳониддин Соғаржий ва Мир Саййид Барака ҳоклари ором толган эди. Бундан кўринадики, Амир Темур нафақат пири Саййид Барака оёғи хоки пойида, балки Нуриддин Басир ва Бурҳониддин Соғаржий каби буюк зотлар хоки туборидан ҳам қуйи-роқда ётмоқни мурод этган эканлар. Амир Темур мақбараси ана шу мақбаралардан энг сўнггиси эканини назарда тутсак, Мир Саййид Барака вафотидан сўнг у зотнинг жисми зори Андухўйдан келтирилиб дафн этилгани ҳамда Соҳибқирон Амир Темур ўзини у ҳазратнинг оёғи учига дафн этилишини васият қилгани замирида ниҳоятда катта маъно яширинганини фаҳмлаб оламиз.

Нуриддин Басир мақбараси Темур ва темурийлар даврида нафақат Самарқанднинг меъморий ва шаҳарсозлик тизимида, балки шаҳар ижтимоий ҳаёти ва руҳий дунёсида ҳам муҳим ўрин тутган. Агар у чоризм истилоси даврида портлатилмаса эди, шубҳасиз, бугунги кунгача (Рухобод, Гўри Амир ёдгорликлари каби) Соҳибқирон бобомизининг ибрат мактабидан жонли бир намуна сифатида ҳикоя сўйлаб турар эди. Афсуски, энди шаҳарликлар ва сайёҳлар уни Регистондаги Тиллақори масжид-мадрасаси ичида ташкил этилган кўргазма залида томоша қилиши мумкин, холос.

Самарқанд вилояти ҳокимлигининг туризми ривожлантириш бўлимига Нуриддин Басир мақбарасини ўз тарихий жойида, юқоридаги маълумотлар асосида аслидай қилиб қайта тиклаш таклифи киритилган.

Ахтам ЎРОЛОВ,
СамДАҚИ
профессори,
меъморчилик
фанлари доктори.



Сичқонга ёрдам даркор...

«Каптив» мингач сичқон,
Писанд этмас мушукни.
Ўтиргача гердайиб,
Кўтаради тумшукни.

Салом-алик қаёқда,
Кўрмасликка олади.
Бошқа пайтлари эса,
Таъзим қилиб қолади.

Танимас жойларда у,
Гапирар ерга уриб.
Маъракаларда эса
Жой берар сапчиб туриб.

Сичқонбой ўта маккор,
Иззат-икром қилади.
Мушукка қанча ёқса,
Узоқ яшай билади.

Бугуннинг масали

Ўзи митти жонивор,
Пихини ёрган маккор.
Соғда мушук дер доим:
- Сичқонга ёрдам даркор.
Нуриддин ЯҲЁ.



Муттолаа

Сумкача

Таксичи Эргаш ишдан қайтгач, "Нексия"нинг эшикларини қулфлар экан, кўзи орқа ўрин-диқдаги сумкачага тушди: "Ҳозиргина йўлда тушган аёл унутган бўлса керак, хойнаҳой. Зарур ҳужжатлари, керакли буюмлари бўлса, қидириб юрмасин боякиш".

Шу хаёлда Эргаш сумкачани олиб, очиб қаради. Паспорт, аллақандай қоғоз ҳужжатлар, пластик карта бор экан. Манзилини аниқлаб, йўловчи аёлни йўқлаб борди. Дарвозани олти-миши қоралаб қолган аёл очди.

- Келинг, ука, хизмат? - у Эргашга синовчан тикилди.

- Ассалому алайкум, опа, Шохида Маматова-нинг ўйи шуми?

- Ҳа, шу, нимаиди?

- Машинада сумкачасини унутиб қолдирибди, қидириб овора бўлмасин, деб олиб келувдим...

- Мен қайнонаси бўламан Шохидани. Ҳали ишдан келгани йўқ. Менга қолдира қолинг, келса бериб қўяман. Исмнингиз нима?

Эргаш исм-шарифи, машинаси рақамини ёзиб, сумкача билан аёлга узатди. Қилган ишидан енгил тортиб уйга қайтди.

Кечқурун телевизор кўриб ўтирганди, ташқарида машина сигнали эшитилди. У бориб дарвозани очди. Қаршисида ўша йўловчи - Шохида турарди. "Миннатдорлик билдиргани келибди-да", ўйлади Эргаш.

- Келинг, қани, ичкарига марҳамат!

- Раҳмат, - Шохиданинг қошлари чимири-либ, вазоҳати ўзгарди. - Мен сеникида меҳмон бўлишга зормасман. Қани, пулимни чўз!

- Қа, қа...нақа пул, синглим, ҳазил-лашяпсизми? - Эргаш доврираб қолди. - Сан-сирамасангиз бўларди, ҳар қалай ёшим сиздан катта бўлса керак!

- Сумкачада бир миллион сўм пулим бор эди, - Шохиданинг таҳдиди кучайди.

- Мен кўрмадим, - деди Эргаш бўшашиб. - Тўхмат қилман! Пластик картангиз бор экан, пулни кўрмадим.

- Тўхмат? Демак, сен пулни олмагансан. Мен тўхмат қиялман, шундайми? Яхши! Унда бошқа жойда кўришамиз. - У зарда билан кескин бурилиб, келган машинасига ўтириб жўнаб кетди.

Эргаш оёқ-қўли бўшашиб ортидан қараб қолди. Қимирлашга мадори қолмаган эди.

Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.

Ҳолат

Дарслар онлайн, ўқувчилар қаерда?

Сентябрь ойидан янги ўқув йили бошланди. Ўқувчилар ота-оналари билан маслаҳатлашиб онлайн ёки анъанавий тарзда таълим олишни давом эттирмоқда. Аммо айрим автобусларда кондукторлик қилаётган мактаб ўқувчиларига кўзимиз тушади. Соатга қарасам айни онлайн дарслар вақти. бу бола қачон дарсни кузатади, қачон бажариб устозига интернет орқали юбораркин? Ахир у эрталабдан қоронғи тушгунча автобусда бўлса. Шу саволларга жавобни ўзидан билиш учун болақайни суҳбатга тортдим.

- Мактаб ўқувчиси бўлсанг, иш оғир эмасми?

- Йўқ, осонку.

Бола кўринишдан 5-6-синф ўқувчисига ўхшарди.

- Мактабинг нима бўлди?

- Қўйсангиз-чи шу мактабни, - деб қўлини силтаб қўйди. - Уйга вазифани бажарганим йўқ, қизиқ-мадим ҳам.

Афсуски, мактаб ёшидаги болалар фақат автобусларда эмас, бошқа жойларда ҳам ишляётганини кузатиш мумкин. Бозорлар, сарта-рошхона, яна бошқа турли хизмат кўрсатиш объектларида ишляётган болаларни учратасиз.

Сартарошхонада ишляётган шундай болалардан бирини суҳбатга чорладим.

- Мактабга боряпсанми?

- Йўқ, онлайн ўқияпман.

- Ишда бўлсанг, ҳозир дарсларинг эфирга узатилмоқда. Қандай ўқияпсан?

- Дарсни кўрмайпман, вақтим йўқ, кун бўйи ишдаман.

- Уйга вазифа бажармаяпсанми?

- Уйга вазифани бажаришга улгурмаяпман, уйга ишдан чарчаб бораман, ухлаб қоламан.

- Ҳали ёшсан, ҳатто 10-синф ҳам эмассан. Нима қиласан ишлаб, ёки оилангиз қўйналиб қолганми?

- Пулга муҳтожлигим йўқ. Уйда бекор ўтирмаслик учун ишлаяпман.

- Муаллимнинг уйга вазифа сўра-майдими?

- Сўрайди. Wi-Fi ишламаяпти, свет йўқ, деб алдайман ёки дарс-ларни бажардим, дафтаримни тополмаяпман, топсам юбораман деб айтаман. Олдин синфда аъло-чи бўлганим учун устозим гапимга ишонади.

Бу бола аълочи ўқувчилардан экан. Қизиқ, дарсга шундай муносабатда бўлса, бошқалардан нима кутиш мумкин?

Муниса ШАМСИЕВА.

Zarafshon

САМАРҚАНДСКИЙ
ВЕЩНИК

© МУАССИСЛАР:
халқ
депутатлари
Самарқанд
вилоят Кенгаши
ва вилоят
ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр 100. Индекс 438.
9 714 нускада чоп этилди. Бюджетта 604

Газета ҳафтаининг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.



Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуг Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди.
"Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир:
Ё.МАРҚАЕВ.

Навбатчи:
Х.ЭРНАЗАРОВА.

Саҳифаловчи:
О.НАЗИРОВ.

Сотувда нархи келишилган ҳолда

